

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ БРАТИСЛАВАГА КЕЛДИ

БРАТИСЛАВА, 16 январь. (ЎзА махсус мухбири Мухаммад ШАРИФ хабар қилади).

Мамлакатимиз раҳбарининг Чехияга ташрифи, Президент Вацлав Гавел ва Бош вазир Вацлав Клаус билан музокаралари икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Чехия раҳбарияти Марказий Осиёдаги иқтисодий ва сийосий жиҳатдан барқарор мамлакат — Ўзбекистон билан ўзаро алоқаларни янада раванқ топтириш истагини билдирди. Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустақамлашиши Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи билан интеграциялашуви йўлидаги яна бир муҳим омили эканини таъкидлади. Жумладан, давлатимиз раҳбари Чехия Президентини Вацлав Гавел билан учрашувда Чехиянинг Европа Иттифоқида интеграциялашувини тўла маъқуллади ва юқори баҳолади.

Ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни жонлантиришда ҳар икки мамлакат ишбилармонларнинг ҳамкорлиги муҳимдир. Президент Ислом Каримов Чехияга ташрифининг учинчи кунини эргалаб Кайзерштайн саройида мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. «ЧКД Прага холдинг» ҳиссадорлик жамияти ҳамда унинг заводига ташриф буюриб, корхона фаолияти билан танишди.

Шундан сўнг Праганинг «Стара ружине» аэропортида Ўзбекистон Президентини расмий кузатиш маросими бўлди. Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Словакия Республикасига келди.

Ташриф давомида Президентимиз Словакия Президентини Михаил Ковач, Словакия Миллий Кенгаши раиси И. Гашпарович билан мулоқотда бўлади. Ўзаро музокаралар низоҳасида икки мамлакат ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаш борасидаги ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА).



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Халқ Сўзи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 январь, жума, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 12 (1529)

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ
ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Рамазон ойи муносабати билан Сиз жаноби олийларига энг самимий табрикларим ва эзуу истакларимни йўллаш бахтидан беҳад мамнунман.

Оллоҳ таолодан Сизга мустақкам соғлиқ ва улкан бахт, дўст халқингизга, шунингдек, бутун дунё мусулмонларига аймон ҳамда хайр-баракато ато этишини тилайман.

Камоли эҳтиром ила

Хусни МУБОРАК,
Миср Араб Республикасининг Президенти.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
МУХТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ
КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Қуръон ноизи бўлиб, инсон ҳақ томон инъоматидан оғай -- муборак Рамазон ойининг кириб келиши Сиз жаноби олийларига, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва мусулмон халқиқа яна бир бор ўзининг самимий табрикларини изҳор этиши учун кутлуғ ва муборак фурсат яратди.

Худованди қаримдан Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, қардош Ўзбекистон халқиқа эса ислом таълимоти ёғдулари остида бахт-саодат ва муваффақиятларга эришувини тилаб қоламан.

Акбар Ҳошимий РАФСАНЖОНИЙ,
Эрон Ислом Республикасининг Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!
Сизларни Ўзбекистон геология хизмати ташкил этилганининг 70 йиллиги билан чин кўнгилдан табриклайман.

Ўзбекистонимизни дунёга машҳур этган омиллардан бири -- унинг гоёт бой минерал-хомашё ресурслари эканини барчамиз яхши биламиз. Заминимизда юздан ортиқ қазилма бойлик турлари аниқлашиб, 940 та кон фойдаланишга тайёрланди. Топилган захиралар асосида 400 дан зиёд йирик корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида Навоий ва Олмалик комбинатлари каби рангли металлургия гигантлари борки, номини бутун олам аҳли яхши билади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳонда

олтин захиралари бўйича тўртинчи ўринда, олтин қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринда туради. Марказий Қизилқум саҳраларида очилган Мурунтов кони XX асрнинг энг йирик кашфиётларидан бири деб баҳоланган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб, геология ва қончилик иқтисодийнинг энг устивор соҳаларидан бири деб эълон қилинди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига муҳим ҳисса қўшаётган янги комбинатлар ва қўшма корхоналар барпо этилди.

Азиз дўстлар, геолог ва кон-

чилик энг оғир ва энг шарафли касблардан биридир. Шунинг яхши англашингизни истардимки, не-не синовлар ва машаққатли меҳнат билан кечаётган ва иқтисодийимизни янада мустақамлашга қаратилган фаолиятингизни Ватанимиз, халқимиз юксак қадрлайди ва муносиб баҳолайди.

Сизларни Ўзбекистон геология хизматининг 70 йиллиги билан яна бир бор самимий муборакбод этаман. Янги-янги кашфиётлар билан Ўзбекистон довруғини дунёга янада кенг таратишингизга ишонаман.

Сизларга мустақкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ.

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ИНСОНГА, МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон геология тармоғи ташкил этилганига 70 йил тўлди. Шу юбилей муносабати билан Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Тўлқин Шойқубов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатлашди.

-- Бу юбилейни маълум даражада шартли, дейиш мумкин, чунки Ўзбекистон геологияси тарихи 1926 йил декабрида геология қўмитаси ўрта Осиё бўлими ташкил этилганидан бошланган бўлиб, Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё минтақасини геологик жиҳатдан мунтазам ва режали асосда тадқиқ этишга ўша вақтда асос солинган.

Агар тарихга чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, қадимий Мовароуннаҳр ер ости хазиналарининг бойлиги билан кўплар «Минералогия» асари ҳозир ҳам муайян илмий қимматга эга бўлган асар эканини таъкидлаш лозим.

Яқинда бутун жаҳон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳамда теурийлар давридаги кон ишларининг қайта тиклини босқичини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Айни шу даврда жуда кўп миқдордаги олтин ва қумуш муомалага жалб этилган эди, улкан маъданлар ва минералларни қазиб чиқаришнинг муваффақ бўлганидан далолат беради.

Буюк боболаримиз -- Уйғониб даврининг муваффақиятлари Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино асарларида умумлаштирилган қадриятлар хазинасига кирган фалсафий, тиббий қарашлар

билан бир вақтда, ер тузилиши, тоғларнинг кўтарилиши жараёнлари, тоғ жинслари, маъданлар ва минералларнинг вужудга келиши қонунятлари, маъданлардан металлургия ажратиб олиш ва металлни қайта ишлашга тааллуқли қизиқарли матлуотлар бор. Айниқса, Берунийнинг «Минералогия» асари ҳозир ҳам муайян илмий қимматга эга бўлган асар эканини таъкидлаш лозим.

Яқинда бутун жаҳон таваллудининг 660 йиллигини нишонлаган буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳамда теурийлар давридаги кон ишларининг қайта тиклини босқичини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Айни шу даврда жуда кўп миқдордаги олтин ва қумуш муомалага жалб этилган эди, улкан маъданлар ва минералларни қазиб чиқаришнинг муваффақ бўлганидан далолат беради.

Буюк боболаримиз -- Уйғониб даврининг муваффақиятлари Абу Райхон Беруний ва Абу Али ибн Сино асарларида умумлаштирилган қадриятлар хазинасига кирган фалсафий, тиббий қарашлар

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мустақил мамлакатимизнинг ер ости бойликларини тасарруф этадиган ваколатли бошқарув органи бўлиб, қончилик муносабатларида Ўзбекистон ҳудудини геологик жиҳатдан ўрганиш ҳамда минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг тармоқларо мувофиқлаштирилишини таъминлайди. У тўртта иқтисодлаштирилган давлат геология корхонаси, иккита илмий-тадқиқот институти ва жами 13 минг киши ишлайдиган бошқа бўлинмалар орқали фойдали қазилмаларнинг барча турлари бўйича кенг қўламли геология-қидирув ишларини амалга оширади.

Геологияда 70 йил жуда қисқа давр ҳисобланади. Геология тармоғи шу йиллар ичида республика ҳаётида сезиларли ва салмоқли из қолдириди. Чунки ҳозир Ўзбекистоннинг қадимий заминиди Олмалик, Анрен, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ каби ажойиб ёш шаҳарлар борки, уларнинг пайдо бўлиши геологлар фойдали қазилмаларнинг катта конларини



очиши ва кейинчалик бу конларни ўзлаштириши билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимизда шу вақт ичида мустақкам минерал-хомашё базаси барпо этилди. Минерал хомашёнинг фойдаланиш учун тайёрланган захиралари қиймати 970 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ, умумий минерал-хомашё салоҳияти 3,3 триллион доллардан кўпроқ деб баҳоланмоқда. Олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, тилмоялар каби бир қанча муҳим фойдали қазилмаларнинг захиралари, истиқболли ресурслари, қазиб чиқариш жиҳатидан Ўзбекистон фақат собиқ иттифоқ ҳудудидидаги мамлакатлар орасидагина эмас, балки бутун дунёда етакчи ўринда туради.

(Давоми 4-бетда).

Қурилиш майдонида



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГИГАНТ КОРХОНАСИ

(Репортаж)

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводига кираверингиз билан деворга осиллик турган улкан корхонанинг харитасига дуч келасиз. Хаританинг айрим joyлари махсус қавариқли бурчаклар билан ўраб, алоҳида кўрсатиб қўйилган. Бугунги кунда заводнинг айнан шу ҳудудига иш авжига чиққан пайт.

Туркиянинг «Гама» фирмаси бир гуруҳ монтажчилари салкам 15-20 метр баландликдаги қувурларни тезкорлик билан пайванд қилишмоқда. Буг, қисилган ҳаво, электр энергия узатиш каби хориждан келтирилган мураккаб технологик ускуналарни ишга тайёрлаб қўйиш тадбирлари қўрилмоқда. Қувурларнинг асосий қисми пайвандланмайли, балки бир-бирига тўғридан-тўғри бириктириб қўйилган. Бу ердаги иш жараёнининг қандай боришини асосан буюртмачилар, яъни Франциянинг «Тех» фирмаси мутахассислари кузатиб боришаётди. Ҳозирча эса Туркиянинг «Гама» фирмаси иш фаолияти франциялик ишбилармонларни қониктирмоқда. Сабани мазкур завод қурилишида Туркия фирмасининг 1400 нафар малакали ишчиси меҳнат қилмоқда.

Бу ердаги асосий мураккаб технологик жараёнлардан бири улкан минораларни ўрнатиш ҳисобланади. Гап шундаки газни мувозанатлаштирувчи ва бошқа техник юмушларни ўтовчи бу минораларнинг диаметри 5-6 метр, энг каттасининг оғирлиги эса 94 тоннадир. Ҳозирча шу ҳажмдаги ўндан зиёд устулар ўрнатилади. Ҳар бир миноранинг ўрнатилиши ишчилар учун қувончли кун саналади. Объектда бутун кунимизи хорижий мутахассислар -- Омалларнинг бор экан, -- дейишди бизга. -- Эрталаб энг йирик устулардан бирини ўрнатиш пайида эдик, бироқ кучли шамол бунга имкон бермади. Ана энди чанг-тўзон тингач, бу мазариани ўз кўзингиз билан кўрасиз, -- дейишди улар мамнунлик билан. Бироқ узунлиги 42 метр, оғирлиги 66 тонна бўлган баҳайбат минорани ўрнатиш ишчилар учун атиги 2 та кўтарма кран кифоя қилди. Мутахассисларнинг фикрича, АҚШдан келтирилган бундай улкан қувватта эга машиналар ишни тез ва сифатли бажариш билан бир қаторда 120 тоннадан зиёдроқ юкни кўтариш қувватига эга экан. Ниҳоят, кўз ўнгимизда газни гидротозаловчи минора тикланди. Ишчилар фурсатни бой бермай, монтаж ишларига киришдилар. Бу технологик жараён ярим соатча вақтни олди, холос. Очиғини айтганда, тадбиркорлик, ишнинг кўзини билиш хорижий шерикларга қўл-қанот бўлапти.

Ҳар бири 10 минг тонналик сийғимли яқиндагина қуриб битказилган 4 та резервуар атрофида ҳам иш қизғин. Бу ерда сунгги юмушлар бажаришмоқда. Печ ёнидиги сақланувчи бу улкан идишлар атрофида йўлаклар чиқарилапти.

Дарвоқе, янги йил арафасида корхонада қўлаб иншоотлар қурилиши лобнига етди. Завод лаборатория биноси ана шундай объектлар сирасига кирди. Уч қаватли замонавий бинода бўлажак корхона маҳсулотлари таркиби ўрганилиб, сифати назорат қилинади. Уни «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари тиклашди. Биз оқимомга қайи қайтар эканмиз, ўз иш майдончалари сирини ошқабатган юзлаб ишчиларга рўбарў келдик.

Ишчилар иккинчи сменага шошилишпти, -- дея изоҳ берди ҳамроҳимиз, завод қурилиши сардорининг муовини Исмет Рамазонов. -- Батзи объектларда иш уч сменада ташкил этилган. Вақт қисқа. Заводнинг биринчи навбатини шу йилнинг ёзида ишга тушириш мўлжалланган.

Дарҳақиқат, вақт тизгиз. Буни заводда ишлаётган барча фидокорлар тушуниб турибдилар. Шунинг учун ҳам устулик давлатимиз иқтисодийида етакчи ўрни тутажак қурилиш ҳал қилувчи паллага кирди. Ишчи-мутахассислар руҳи тетик. Чанг-тўзон, табиат инжиқликлари уларга тўққинлик қилолмайди. Сирасини айтганда, бу ерда ишчилар росмана жасорат кўрсатишмоқда. Уларнинг ақл-заковати билан гигант корхона барпо бўлаётди.

Ш. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.
М. ОТАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КРЕДИТ БЕРУВЧИЛАР БИЛАН ТАНИШУВ

Тадбиркорлик алоқалари марказида 16 январь кунини республикамизда кичик ва ўрта бизнесга доир лойиҳаларга кредит бериш муаммолари юзасидан семинар бўлди. Семинар иштирокчилари орасида мулк шакли турлича фирмаларга кредит бериш билан шуғулланадиган мамлакатимиздаги ва хориждаги банклар ва жамғармаларнинг, жумладан «Кроссруд» Осиё кредит компанияси, Европа тиклиниш ва тараққиёт банки, Abn Амро банк, «Ўзхусусийлаштиришбанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Турон-банк» ва бошқа банкларнинг вакиллари бор эди.

Ишлаб чиқариш фирмалари, кичик ва ўрта корхоналар раҳбарлари учун ўтказилаётган семинарнинг мақсади республикамиз тадбиркорларини кредит олиш мумкин бўлган банклар, шу жумладан, халқаро банклар имкониятлари, кредит бериш шартлари, миқдори, кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш талаблари билан таништиришдан иборат.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Корхона ва ташкилотлардан векселлар билан бажариладиган операцияларни рўйхатга олиш ва мuddати ўтказиб юборилган векселларни тўлаш механизми тўғрисида кўрпал сўровлар тушаётганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қуйидагиларни маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетга тўловлар механизмининг тақомиллаштириш ва тўлов интизоомини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 5 декабрдаги 431-қарорига мувофиқ векселнинг ҳужалик субъекти томонидан амалга оширилган ҳар бир обороти тижорат банкларидан мажбурий тарзда рўйхатга олиниши лозим. Векселлар муомаласи билан боғлиқ битимларни рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1996 йил 27 декабрдаги 296-хатига мувофиқ амалга оширилади.

Векселни бошқа шахсга бериш билан боғлиқ барча шартномалар, шу жумладан, векселлар олди-сотдиси ва улар билан моддий-товар бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлашга доир шартномалар ҳам рўйхатга олиниши лозим.

Битимни рўйхатга олиш учун вексель эгаси хизмат кўрсатувчи банкка топширилаётган векселларнинг рўйхати ва рекузитлари кўрсатилган шартномани, шунингдек, векселлар бланкаларини тақдим этиши шарт. Банк шартномада кўрсатилган ва тақдим этилган вексель рекузитларининг мувофиқлигини текширади, шу-

нингдек, векселларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди. Рўйхатга олиш шартноманинг олд томонида «рўйхатга олинган» ёзуви тўртбурчак муҳри, банк ваколатли шахсининг шартномаларни рўйхатга олиш дафтари бўйича рўйхатга олиш рақами ва санасини ҳамда рўйхатга олган банк (филиал)нинг номини кўрсатган холда муҳри ва имзосини қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳужалик юритувчи субъектнинг бюджет олдида бурд-сизлик тўловлари мавжуд бўлганда тижорат банкларига тўлаш мuddати етиб келгунга қадар охириги 30 кун учун корхоналар векселлари муомаласи билан боғлиқ шартномаларни, шунингдек, тижорат банкларининг векселларини (банк векселларини) рўйхатга олиш ман этилади.

Ҳужалик юритувчи субъектлар -- вексель эгалари векселда кўрсатилган мuddатларда уларни тўлаш учун тақдим этишлари шарт. Векселларнинг белгиланган мuddатларда тўланишини таъминлаш учун эмитент тақдим этилаётган векселларни тўлаш учун етарли бўлган миқдордаги пул маблағларини махсус ҳисобрақамда банд қилади. Тўлаш учун мuddати ўтказиб юборилган векселлар тақдим этилганда эмитент зарур бўлган маблағларни қидириб топиши туфайли тўловни чекиштириб амалга ошириши мумкин. Бундан ташқари вексель эгаси у тўланмаган тақдирда вексель юзасидан эътироз билдириш ҳуқуқини йўқотади.

ЖАМҒАРМА ЁРДАМ БЕРАДИ

«Соғлом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғармаси қоншда ишлаётган шифокорларнинг махсус шафқат бриталиси Наманган вилоятининг тоғ ва тоғ олди, чул зоналарида жойлашган олми қиллоқларга ўнлаб марта сафар қилди. Шифокорлар жами тўрт мингдан ортиқ аёллар ва болаларни тиббий куриқдан ўтказдилар. Зарур ҳолларда дастлабки тиббий ёрдам берилди. Шу билан бир вақтда камхараж, бокучисини йўқотган оилалар ҳисобга олинди. Уларнинг ҳаммасига инсоний ёрдам кўрсатилди. Бунинг учун маблағини жамғарма вилоят бўлими қоншда ишлаётган кичик корхоналар ажратди.

Ҳозир бундай корхоналар сонини ўн иккитадиги етди. Уларнинг фаолият соҳаси хилма-хил: савдо-тижорат ишларидан ташқари лойабзал ишлаб чиқариш, савбот ва бошқа маҳсулотлар этиштириш билан шуғулланади. Олинган фойдаланинг кўп қисми жамғарма хайрия ташкиратини маблағ билан таъминлашга сарфланмоқда.

(ЎзА мухбири).

Нуктаи назар

Россия Президентининг матбуот котиби тарқатган хабарга кўра, бу мамлакат раҳбари Ельцин Белорусс Президентини Лукашенко номига икки давлат ўртасидаги бирлашув жараёнини тездаштириш ва пировардида унга конфедерация мазмунини бериш борасидаги ўзининг бир қатор таклифларидан иборат мактубини юборган. Оммавий ахборот воситаларининг тасдиқлашларича, Лукашенко мазкур таклифларни қувонч билан қабул қилган. Афтидан 1991 йилдан кейин беш йил давомида Жириновский, Макашев, Лукьянов, Ручкой, Анпилов, Зюганов ва бошқа россиялик «машхур» сиёсатчилар кўзаб келган «муқаддас империя», «муқаддас иттифок»ни тиклаш масаласи бугунга келиб конфедерация шаклида ўз амалий тадбирини топаётганга ўхшайди.

Москвадан собиқ империяни тиклаш учун бошлаган «конфедерация» режаси ўзининг амалий қўрилишларига эга бўла бошлади ва уни тахлил қилиш фойдадан холи эмас, албатта. Шу ўринда куйидаги саволлар туғилмай иложи йўқ: бу жараён Россияга нима беради? Белоруссгачи? Бошқаларгачи?

1. XV аср охирида қарамликдан қутилган, Рус давлати Москва, Твер, Рязан, Псков, Новгород, Смоленск каби князликлардан (вилоятлар) иборат эди. Кейинги беш аср мобайнида у ташқи юрларни босиб олиш ҳисобига ўз худудини кенгайтириб борди. Натигада дунёнинг олтинда бирида жойлашган империяга асос солди. Табиий равишда мазкур давлат сиёсати жамият ҳаётига таъсирли ҳолда бўлди. Яқиндаги Габриел Европа билан Дунайнинг энг юқори ирмоқлари бўйида туриб гаплашиб юрган Россия бугунга келиб у томонларга бир неча жумладан кечаги мустамлакалари худудидан рўхсат сўраб ўтишга тўғри келиб қолган. Худди шунга ўхшаш Россиянинг асосий валюта тушумини ташкил қилган нефть ва газ қурувлари ҳам худди мана шу давлатлар, чунончи Белорусс худудидан ҳам ўтган. Аммо ҳозирги жараёндан мақсад аслида бу эмас. Бу жараён мақсади анча кўламлик -- империяни тиклаш. Белорусс эса «конфедерация» режасини амалга оширишдаги оддийгина синон ҳеч соқаси, холос. Шунинг учун Россия иложи борича мазкур жараённи тарғиб қилишга, ундан олинган «ижобий натижалар»ни кўз-кўз қилишга уришни ҳам аниқ. Лекин фикримизда, амалда бунга эришиш қийин

катта келади. Бироқ ўн йиллар давомида фойда келтириб турган бу жараён 1991 йили бирдан тўхтади -- мустамлакалар, жумладан Ўзбекистон мустақилликка эришадилар. Албатта бу Россия учун улкан йўқотишдир. Ўзингиз ўйланг, парчаланганга қадар СССР номидаги Россия империяси майдони деярли 22,5 млн. кв. км.ни ташкил этиб, бу кўрсаткич асл ролларидан камда 50 марта кўп эди. Яъни аслрлар қувони

бўлади. Чунки, Россиянинг эндиги иқтисодий имконияти бунга қодир эмас. Россия матбуоти берган маълумотларга кўра ҳар икки давлатнинг иқтисодий аҳоли бугун 1980 йил даражасида экан, ким-кимга ёрдам беришини худо билади. Белорусснинг Россия билан бирлашиши Россия худудини кенгайтиради деб, ҳам бўлмади. 200 минг кв. км. майдонга эга Белорусс Россия учун Коми (майдони 415 минг кв. км.),

тузилиб, бюджет, божхона, солиқ тизими масалаларида ҳам ягона сиёсат юритилганидан бўлиниб, амалда бу Белорусснинг Россия таркибига киргани ва у автоном республикалар қаторидан ўрин олгани дегандир. Агарда Белорусснинг кўп жиҳатлардан, айниқса ёқилги масаласида Россияга қаттиқ боғлиқлигини назарда тутсақ, у ҳолда «конфедерация» афзаллиқларини кўрсатиш учун бошда қилинган катта молиявий-иқтисодий хара-

дагина ташкил қилинган Белорусс юқори парламентини тан олманган ва ҳоказо. Хуллас, кўриниб турганидек, Фарб ва демак, бошқалар ҳам Белоруссдан юз ўғирмоқда.

Албатта, Белорусснинг демократик-истиқлолчи кучлари мазкур жараёнга бепарқ қараб турмасалар керак. Улар турли йўللار билан қаршилик уюштиришлари ҳам турган гап. Бироқ ким қайси фикрда эканидан қатъий назар, бундай зиддиятлар Белорусс жамиятини ичидан емириши бегумон.

3. Бошқаларга, чунончи Ўзбекистонга келсак, бу ерда ҳам масала равшан: биз мустақиллигимизга зарари етadиган, унинг ҳисобига амалга оширилган ҳар қандай жараёнга қаршимиз. Бироқ Белорусс мисолида муайян хулосаю сабоқ чиқарсак бўладими? Албатта. Ҳатто, керак ҳам. Биринчи сабоқ шуки, ўтиш даврида, ҳали сиёсий онг етарли даражада шаклланиб етмаган, тегишли иқтисодий асослар заиф шароитда кўп нарса миллат ва давлатнинг тепасида қандай шахс турганига ва унинг атрофидаги кучлар салоҳияти ва миллатпарварлигига боғлиқ бўлади. Бундай пайтларда давлатга мард, миллатпарвар, юксак салоҳиятли, кенг дунёқарашли шахслар етакчилик қилсалар, демак билинги, бундай раҳбари бор миллатнинг омади ҳам бўлади. Иккинчидан, миллат ана шундай халқларвар ва эрқларвар йўл-бошчини сақлай, авайлай, қадрлай билиши, унинг фаолиятидан фойдалана билиши лозим. Бунга эса, сиёсий ва маданий ўнги баланд жамиятгина қодир бўлиши мумкин. Демак эндиликда миллий онг, миллий тафаккур, маънавият, Ватанга муҳаббат ва унинг ҳимояси каби мавзуларни кенг қўламда оммага олиб чиқиш аҳамияти янада ошади. Зеро, Белорусс жамияти энг аввало мафқуравий курашда ўтказди. Яъни Россия ОАВ беш йил давомида олиб борган тарғибот ва ташвиқотнинг кўр-кўрона асирга айланди. Ёларда миллий тафаккур ўрнини қарамлик, боқимондалик тафаккури эгаллади ва бунинг натижасини кўриб турибмиз. Онг ҳам, маънавият ҳам ёшликдан шаклланади. Биз яна ўша маориф ва олий таълим тизимидagi олдимизга қўйган мақсадларга мос равишда сиёсат юритишни, илим-фан ривожини замонавий асосларга қўришни назарда тутмоқдамиз. Чунки, бундан буён Ватанни, Мустақилликни юксак салоҳиятли баркамол инсонгина ҳимоя қила олади.

СИНОВ

олиб борилган босқинчилик сиёсати натижасида Россия ўз худудини 50 мартага кўпайтириб олганди. 1991 йил инқироз оқибатида эса мамлакат майдони 17 млн. кв. км. га тушиб қолди, яъни Москва 5,5 млн. кв. км. дан иборат ерни (тасаввур учун собиқ СССРдан фарбда жойлашган барча Европа мамлакатларининг умумий майдонини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин) йўқотди. Бу ерлар билан уларда муассамлашган улкан табиий-иқтисодий потенциал ҳам қўлдан кетганди.

Белорусс ва Украинанинг «ягона оила»дан чиқиши иккинчи томондан Россия фарбий чегараларини бирданга бир неча юз км. шарққа сурилишига сабаб бўлди. Россия Европанинг, аниқроғи шарқий Европанинг энг чекка, шарқий қисмига айланиб қолди. Яқиндаги Габриел Европа билан Дунайнинг энг юқори ирмоқлари бўйида туриб гаплашиб юрган Россия бугунга келиб у томонларга бир неча жумладан кечаги мустамлакалари худудидан рўхсат сўраб ўтишга тўғри келиб қолган. Худди шунга ўхшаш Россиянинг асосий валюта тушумини ташкил қилган нефть ва газ қурувлари ҳам худди мана шу давлатлар, чунончи Белорусс худудидан ҳам ўтган. Аммо ҳозирги жараёндан мақсад аслида бу эмас. Бу жараён мақсади анча кўламлик -- империяни тиклаш. Белорусс эса «конфедерация» режасини амалга оширишдаги оддийгина синон ҳеч соқаси, холос. Шунинг учун Россия иложи борича мазкур жараённи тарғиб қилишга, ундан олинган «ижобий натижалар»ни кўз-кўз қилишга уришни ҳам аниқ. Лекин фикримизда, амалда бунга эришиш қийин

Бурятия (351 минг кв. км.) каби автоном республикалар қаторига кираверади.

Россия ва Белорусс ўртасидаги ягона давлат тузиш жараёни Москвадан Фарб билан муносабатда қўл келиши мумкин. НАТОнинг шарққа қараб силжишига қарши тадбир сифатида нафли бўлади, деганлар ҳам хато қиладилар. Зеро бугунги кунда НАТОнинг шарққа қараб ҳаракатини тўхтатиб қолувчи куч дунёда йўқ. Мазкур ҳақиқатни яхши англаганликлари учун ҳам НАТО раҳбарлари шахдам қадам ташламоқдалар. Иккинчидан, НАТО АҚШ ёки Фарбий Европанинг хоҳиши билан эмас, балки Шарқий Европа давлатлари истаклари, интилишлари таъсирида шарққа силжимоқда. Уларнинг ўзлари шуни хохламоқдалар. Болгариянинг янги Президенти «Болгария билан НАТОга» шiori билан сайловда галабага эришганини мисол қилишимиз мумкин. Учинчидан, НАТО бугун ҳарбий тузилмани эмас, тақдир тақозоси ва ўша халқлар меҳнати билан Фарбда шаклланиб келган энг юксак яшаш шароити ва турмуш тарзини қафолатловчи тизим, юксак тараққиёт йўлидан одимлаб бориш учун қафолат ёрлигини тутказадиган муассасадир. НАТО ҳозирда «совуқ уруш» даврида шаклланиб келган функциядан фарқли равишда фаолият кўрсатаётган ташкилотдир. Туртинчидан, энди Шарқий Европанинг бир қатор давлатлари, айниқса, Болтиқбўйи мамлакатлари, ҳатто Украинанинг ҳам НАТОга аъзо бўлиб киришлари тезлашиши ҳеч гапмас.

Оддий россияликларга «конфедерация» нима беради? Ҳеч нарса. Агар мўлжал қилинганидек, яқин орада ягона ҳукумат

жатлар яна оддий россияликлар елкасига юк бўлиши равшан.

Ельцин тарафдорлари сўз кетаётган тадбирларни иложи борича Ельцин номи билан боғлаб, Ельцинни «рус ерларини» бирлаштирувчи шахс сифатида кўрсатишга уринишлари шубҳасиз. Лекин бу билан барбир унинг обрўси ошиб қолмас керак. Зеро россиялик учун бугун энг муҳими ҳар бир оиладаги иқтисодий-ижтимоий аҳвол билан боғлиқ. Ҳозирданок Россия ва Белорусс бирлашув жараёнига ишонсизлик билан қараётган кучлар ҳам йўқ эмас.

Хуллас, оддий россияликлар учун Россия ва Белорусс ўртасидаги бирлашув моҳият эътибори билан бир нима бериши қийин, уларни кундалик муаммолардан қалғитиши мумкин, холос.

2. Конфедерация Белоруссга нима беради?, саволининг ўзи мантисиз. Мантик нукта-назаридан олганда, конфедерацияга кирди дегани мустақиллигини чегаралади, қўлдан чиқарди билан баробар. Шу маънода аслини олганда конфедерация белоруссларга ҳеч нарса бермайди, аксинча, беш йил бурун қийинчиликлар билан қўлга киритилган озодликдан маҳрум этади.

Россия билан бирлашув иқтисодий жиҳатдан ҳам нафис эканлигини юқорида айтдик. Энг юксак даражадаги технологиялар эса Фарбда. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) берган хабарга кўра эса Европа Иттифоқи шу кунларда Белоруссга бир неча йил бурун берилган ўз ташкилотидagi кузатувчилик макомидан маҳрум қилган, бу мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари бузилаётганидан безовталанган, яқин-



Олмалик кон-металлургия комбинатида ишчи хизматчиларнинг турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис корхонада олинаётган фойдаланган бар қисми комбинат аъзоларининг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган. Корхона ўз суттовар фермасига эга. Фермада парвартишланаётган говмишларнинг ҳар биридан кунига 22-25 литрдан сут соғиб олинаётир. Шу тўғрисида маълумот қаймоқ қидиришга ҳоҳат сезилмайди.

СУРАТЛАРДА: суттовар фермаси фаолиятдан ташқари. Р. НУРИДДИНОВ (ЎЗА) тасвирга олган.



Бозор ислохотлари йўлида

ТЕЖАМҚОРЛИКНИ ЎРГАНИНГ

Ўтган йили «Учқўрғон» акционерлик жамияти юз тоннага ақин «Экстра» маркали бензинни тежаб қолди. Бу ижобий натижа «Узнефтьгазсинспекция» вилоят бўлими ходимлари томонидан ўтказилган текширув чоғида аниқланди. -- Бундай тежамкорликнинг тобора кўпроқ учраётгани қувончлидир, -- дейди вилоят бўлими бошлиғи Анваржон Гафоров. -- Сўнги пайтларда ёнилги-мойлаш маҳсулотларидан фойдаланишда белгиланган тартибни қўпол равишда бузиш ҳоллари анча камайди. Бироқ ёнилгини беҳуда сарфлаш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Кейинги пайтларда ўтказилган бир қанча текширувлар шуни кўрсатмоқда. Учқўрғон тумани автоҳўжалиги ишчилари буюк суолтириш учун 60 литр бензин ишлатишган. Текширувчиларнинг аниқлашича, бу ерда бензинни белгиланган меъёрга сарфлаш учун ҳисоб-китоб қилиб, бошларини оғиритиб ўтиришмайди. Ҳеч қандай асоссиз «ЕРАЗ» маркали автомашинага 181 литр бензин ҳисобдан чиқариб юборилган, беш нафар ҳайдовчига эса 222 километр босиб ўтилмаган йўл қўшиб ёзилган, бу ўзидан йўлга кетган ёнилгини қўшиб ёзишга олиб келади. Чустдаги ҳўжалик ҳисобидagi автоҳўжаликда 8 минг сўмлик 630 литр мотор мойи белгиланган меъёрдан ортиқча сарфланган. Уйчи туманидаги вилоят савдо-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли автокорхона ишчилари ҳам бу борада «қолишмасликка» ҳаракат қилишган. Бу ерда фақат бир ой мобайнида сиқилган газ билан ишлайдиган автомобиллар учун... 320 литр бензин сарфланган. «ГАЗ-24» маркали автомашина белгиланган меъёрдан 307 литр ёнилги ортиқча сарфлаган. Бензинни ортиқча сарфлашда Наманган «Экстракт-8» акционерлик жамияти ўзига хос «рекорд» ўрнатди. Учқўрғондаги акционерлик жамияти ходимлари

ёнилгини тежаган бўлсалар, уларнинг Намангандаги ҳамкасблари қарийб 54 минг сўмлик 3.579 килограмм «Экстра» маркали бензинни ортиқча сарфлаганлар. Худди шу корхонада яна юз килограммдан ортиқроқ мотор ёғи ҳам ортиқча сарф қилинган. Ўтган йил мобайнида «Ўзбекнефтьгазсинспекция» вилоят бўлими ходимлари вилоятдаги корхона, ташкилот ва ҳўжаликлар умумий қиймати деярли 900 минг сўмлик 80 минг тонна ёнилги-мойлаш материалларини ортиқча сарфлаганини аниқладилар. Ёнилгини нотўғри сақлаш, машиналарга ёнилги қуйиш қоидаларини бузиш оқибатида 9,5 минг тонна нефть маҳсулотлари исроф бўлган. Ишлаб чиқаришга алоқаси бўлмаган эҳтиёжлар учун 25 минг тоннадан кўпроқ ёнилги-мойлаш материаллари сарфланган. Айрим раҳбарларнинг маъсулиятсизлиги ва қонунбузарликка йўл қўйишлари оқибатида жами 14 минг тонна нефть маҳсулотлари исроф қилинган. Йил давомида фойдаланиш учун вромсиз ҳолга келиб қолган нефть маҳсулотлари ҳажми салкам 45 минг тоннани ташкил этади. Айбдорлар жазосиз қолгани йўқ, албатта. Ёнилги-мойлаш материаллари исроф бўлишига йўл қўйган корхоналар, ташкилотлар ва ҳўжаликлардан деярли икки миллион сўмлик жарима ундириб олинди. Шунингдек, йиғирмага яқин раҳбарларга ҳам жарима солинди. Текшириш ишлари давом этмоқда. «Узнефтьгазсинспекция» ходимлари бу йил нефть маҳсулотларидан ҳамма жойда оқилona фойдаланишлари умид қилишмоқда. Бироқ уларнинг иши қамайиб қолмайди. Чунки, «Узнефтьгазсинспекция» ходимларининг асосий мақсади -- нефть маҳсулотлари тежаб-торғаб сарфланишини кузатиб туришидир.

Н. ХўҲАЕВА, ЎЗА мухбири. Наманган вилояти.

РОССИЯГА БЕЛОРУСС БИЛАН БИРЛАШИШ КЕРАКМИ?

Президент Ельциннинг Россия ва Белорусс ўртасида интеграцияни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги таклифи қўлаб саволлар туғдирмоқда. Бироқ афсуски, Россия давлати бошлиғининг мактубида бу саволларга жавоб топилмайди.

Авалло шу нарса мавҳумки, эълон қилинган ақинлашувнинг пировард мақсади нима -- ягона давлат бўлиб бирлашиши ёки ўз суверенитетини ҳеч бўлмаганда расман сақлаб қоладиган икки мамлакат иттифоқи бўладими? Агар Александр Лукашенко орзу қилаётгандек, ҳар қалай, Россия билан Белорусс бирлашса, бу қандай шарт-шароитлар асосида юз беради? Ўз номига, байроғига, маҳҳияси, гербига эга бўлган янги давлат тузиладими? Ёки Белорусс Россия таркибига федерация субъекти бўлиб (ёки олтига субъект -- Белорусс вилоятлари сони бўйича) кирадими? Бу Россияга большевикларнинг иродаси билан 70 йил маҳрум бўлган ўз номи, оқ-зангори-қизил рангли байроғи, икки бошли бургут ҳамда Глинканинг давлат гимни сифатидаги «Ва-

танпәрварлик қўшиғи»ни сақлаб қолиш имконини берган бўлур эди. Бундан беш йил бурун биринчи марта ўзини буюк тарих ва маданиятга эга мамлакат бўлиши Россия фуқароси ҳис этганлар учун бу беҳуда саволлар эмас.

Яна шуниси ҳам мавҳумроқки, бирлашиш тўғрисидаги масалани айнан ҳозир кўтариш нимага керак бўлиб қолди? Белорусс билан ҳозирги интеграция даражаси қайси жиҳатдан қониқтирмапти? Худога шукрки, чегарада божхона ва назорат йўқ. Кечқурун Москвада поездага чиқиб, эрталаб Минскда уйғониш мумкин. Кечаси божхона ходимлари уйғотиб, масалан Украина билан чегарада бўлаётганидек, текширувдан ўтказмайди.

Икки иқтисодиётнинг узаро фойдали ҳамкорлиги ўрнига нега энди бу икки иқтисодиётни қўшиб юбориш тавсия этилмоқда? Бу, аввало, Россия аҳолиси учун қўшимча қийинчиликлар туғдирадими-ку? Зеро, Лукашенко бошчилик қилган йилларда Белорусс иқтисодиёти Россия иқтисодиётидан умидни узса ҳам

бўладиган даражада ортда қолди, республикада ислохот ўлик нуктадан жилгани йўқ, иш ҳақи Россиядагидан анча кам, кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари алақачон унут бўлган шўролар давридаги каби талон асосида берилаяпти.

Белорусс билан бирлашиш сиёсий соҳада «қизил минтақа»нинг яна олтига янги вилоятининг Россияга қўшилишига олиб келади. Ва Геннадий Зюгановга ўзининг «халқ-ватанпарварлик блоку» билан наббатдаги сайловларга шундай совға ҳаля этгани учун Президент Ельцинга ташаккур билдиришига қолади.

Икки давлатнинг бир-бирига қўшилиши тарафдорлари бу қадамни НАТОнинг кенгайишига жавоб, Фарбнинг «душманлик ҳийла-найрангларига» «мос муносабат» сифатида тасаввур этмоқдалар. Умуман, НАТО билан қарама-қаршиликнинг муқаррарлиги Россия сиёсатдонлари томонидан нима учун аксиомадек қабул қилинади? Нима, Фарб Россияга ҳужум қилмоқчи? Россия айнан Фарбдан иқтисодий ёрдам сўрамаптими (ва олмаяптими)? Ахир Россия муаммоларига, Кремлнинг ўзга-



Азамат ЗИЁ

Ўзбекистон -- Чехия

«САМАРҚАНД -- ПРАГА»НИНГ ДАДИЛ ОДИМИ

1996 йилнинг 25 октябрида Самарқандда буюк соҳибқирон ва давлат арбоби Амир Тему...

-- Ўтган йилнинг январь ойида бу иншоотни бунёд этиш бўйича шартномалар тузган эдик...

миятга эга. Корхона ҳудудида қазилган 400 метр чуқурликдаги қудуқдан инсон учун фойдали маъданлар чўкиндисидан иборат ажойиб сув топилиди...

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон-Чехия ҳамкорлигининг маҳсули -- Наманган шаҳрида ташкил этилган «Кронас» қўшма корхонаси вилоят саноати ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ушбу корхона фаолият кўрсата бошлаганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Лекин бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўзининг сифати ва бежиримлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда...



Самарқанд туманидаги Охалик қишлоғида жойлашган «Парранда» ҳиссадорлик жамияти аъзолари аҳолини сифатли парҳез гўшт билан таъминлаш ниятида Қозғистондан «Оқ олат» зоти товуқлар келтиришди...

ТЕКШИРУВ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Фарғона вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон матлубот кооперацияси тизимидаги корхоналар томонидан аҳолига савдо хизмати кўрсатиш аҳолини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» Президент фармойиши бўйича вилоятда ўтказилган текшириш якунларига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди...

Тадбиркорлик ПУЛЛИК ХИЗМАТ

Богот туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалик техника устaxonаси чилангарлари бундан буён иш соатларида бекор қолиб, зерикмайдиган бўлишиди...

МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ

Мамлакат аҳолисининг соғлиғи бутунни кунга келиб, унинг иқтисодий аҳолини интеграл кўрсаткичига тенглаштирилмоқда...

Тўғри, бирданига ислоҳ қилишга уриниш, умид болаш содаликдир. Чунончи, одамларга бирданига ўзгача бўлиб қолиш ҳақида буйруқ бериб бўлмайди...

олишини ва унинг ҳуқуқларини энг оз даражада ҳимоялашни кафолатлаган. Бугунги кундаги ўзгаришлар бундай муносабатларни анчагина янгиламоқда...

Тўлаганович Султонов 41-16-90 рақамли телефон орқали қабул қилади. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетлари ўқувчилари ўз саволларини аввалдан тахририятга юборишлари мумкин...



Уларни қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин. Ўқувчиларнинг саволлари ва вазир ўринбосарининг жавоблари ҳар икки газетада чоп этилади.

Бевосита телефон орқали алоқа

Мулоқотга чорлаймиз олишини ва унинг ҳуқуқларини энг оз даражада ҳимоялашни кафолатлаган. Бугунги кундаги ўзгаришлар бундай муносабатларни анчагина янгиламоқда...

Тажриба, ташаббус

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

Пахтачиликни кўя туриб («Анджон усули» яратилгани ҳаммага маълум), галлачиликни олиб кўрайлик. Президентимиз галла мустақиллигига эришиш ташаббусини ўртага ташлаганда, дастлаб ҳосилдорликни 35-40 центнерга етказиш вазифасини қатъий қилиб қўйганди...

оқибатида тайёр галланинг анчагина қисми ўрим-йиғим пайтида беҳуда йўқотилаётган бўлса, бу туманда ҳар мавсум ҳосил қисқа муддатларда саранжомлаб олинади. Бунинг учун аввало, техника вақтида шай қилиб қўйилади. Чунончи, 1996 йилги туман ҳўжалиқларида 46 та Россия комбайнлари борлигига қаноатланмай, яна бешта «Кейс» комбайни галла ўримида жалб этилди...

ла наётганимиз йўқ. Бу йил ажратилган майдоннинг ярмига «Скифиянка» эдик. У ҳам синилган навлардай. Яна 89 гектарга биринчи марта мутлақо янги «Юна» нав бугдой эдик. Амалда синаб кўрмақчимиз. Айтишларича, агротехникаси тўлиқ ҳам қилинса, 120 центнергача ҳосил тўқаркан. Буни вақт кўрсатади, албатта.

Ўтказилади. Шароитта моси танлаб олиниб, уруғлик учун экиб, кўпайтирилади. Туманда галлачилик бўйича ҳам илгор тажриба, мактабни яратиш тўғрисида ҳоким айтган гап осмондан олинмаганлигини тасдиқловчи яна бир асос яратилган. Ўтган йилги мавсумда тумандаги бешта ҳўжалик -- Отахонов номили, «Олтин водий», Саримсоқов номили, «Ўзбекистон», Маматов номили жамоа ҳўжалиқларида галладан туманнинг ўртача кўрсаткичидан ошириб, яъни 64,1--68,6 центнердан ҳосил олинди. Отахонов номили жамоа ҳўжалигидан Набижон Ҳайдаров, Саримсоқов номили ҳўжалигидан Султонмурод Эргашев, «Найнаво» ҳўжалигидан Иномжон Турғунов бошдик бригадаларида 73--75 центнердан ҳирмон уюди. Амир Тему...

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Хусусийлаштириш Инвестиция Фондларининг (ХИФлар) акцияларини сотишга киришди.

Дастлабки босқичда бу ишга Халқ банкнинг 21 та бўлими жалб этилган. Уларнинг ўн биттаси Тошкентда, қолганлари Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида жойлашган. Фуқаролар мазкур банк бўлимларида саккизта ХИФ акцияларини сотиб олишлари мумкин. Булар -- «Фойкон», «Капитал -- Инвест», «Туркистон -- Инвест» (Тошкент шаҳри), «Химоя» (Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри), «Семру» (Қарши шаҳри), «Камалак» (Андижон шаҳри), «Локо -- Инвест» ва «Лeverик -- Инвест» (Жиззах шаҳри) Хусусийлаштириш Инвестиция Фондларидир.

ХИФлар АКЦИЯЛАРИНИНГ БОШ ТАРҚАТУВЧИСИ

Айнан мана шу ХИФлар биринчилардан бўлиб, иккинчи марта чиқарилган акцияларини тарқатишга киришган. Бугунги кунда умумий сонини йигирмадан ошириб кетган ХИФлар эндигина қимматли қоғозларини сотишга тайёргарлик кўрмоқда. Кўриниб турибдики, бўлажақ акциядорлар қайси ХИФни афзал кўриш лозим, деган саволга жавоб излаши ва толиши керак. Биз барчага у ёки бу ХИФ акциялари эмиссияси билан батафсил танишишни, ҳар бир ХИФ қандай инвестиция сиёсатини амалга ошираётганини билишни, шунингдек, унинг реклама фаолиятига ҳам эътибор беришни тавсия этамиз. Бу маълумотларни оммавий ахборот воситаларида, ХИФлар ва уларнинг бошқарувчи компаниялари ҳароғоҳларида, фонд дўконлари ва консалтингформ бўлимларида олиш мумкин. ХИФлар Дастурлари амалга ошадиган сари Халқ банкнинг тобора кўпроқ бўлимлари акцияларини тарқатиш тизимида қўшилмоқда. Бундай бўлимлар республиканинг 200 дан ортиқ шаҳар ва туманларида аҳоли билан фаол ишлайди, уларнинг сўровларини қабул қилади, айни пайтда тушунириш -- маслаҳат ишларини олиб боради. Айни пайтда эса Тошкент шаҳрининг Миробод, Шайхонтоҳур, Мирзо Улугбек, Юнусобод, Яқкасарой, Чилонзор, Сирғали, Ҳамза, С. Раҳимов, А. Иқромов, Бектемир, туманлари ва Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳридаги

А. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎРНИНИ ТОПМАГАН ДЎКОН

Навойи вилояти газлаштириш бошқармаси яна бир хайрли ишни амалга оширди. Вилоят марказида 3 та янги савдо дўкони қурилиб, ишга туширилди. Дўконларнинг иккитаси тижорат, яъни халқ истеъмол моллари билан савдо қилса, учинчисида газлаштириш анжомлари -- газ плитадан тортиб, грелкагача сотиш режалаштирилган. Бу иш албатта, хайрли ва тахсинга сазовор. Бирок бу дўконларнинг бирини энди газлаштираётган Қонимеҳ Нурота туманлари ёки Зарафшон шаҳрида қуришса яхши бўларди. Бонси Навойи шаҳри қарийб юз фойиз газлашган. Газлашмаган туманлар ахли ҳар доим ҳам вилоят марказига келавермайди. Уртада эса патентли «чайқовчи» пайдо бўлади. Т. ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЕР ОСТИ БОЙЛИКЛАРИ ИНСОНГА, МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК КЕЛАЖАГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Минерал хомашёни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш бозор муносабатларига изчиллик билан ўтаётган ҳозирги Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Тармоқ ишлаб чиқараётган, жаҳон бозорига рақобат қила олаётган маҳсулот ҳозир ялпи миллий маҳсулотнинг тўртдан бир қисmini ташкил этмоқда. Республика замини қаъридан ҳар йили тахминан 5,5-6 миллиард АҚШ долларини билан баҳоланган ҳажмдаги ер ости бойликларини қазиб чиқаришмоқда.

Бундай бойликларимиз захиралари геология қилдирув ишлари натижасида йилга 6-7 миллиард доллар ҳажмида қўлайлиқ бормоқда, бу эса кон-қазилма корхоналарини бир маромда хомашё билан таъминлайди.

Ҳозир республикада фойдаланиш қазилмаларнинг 2700 дан ортиқ конлари ва кон белгилари маълум. Шундан 940 таси текширилган. 440 тадан ортиқ кон, очилган кон, шахталар, минерал хомашёни қайта ишлаш заводалари ишлаб турибди. Уларнинг орасида Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари каби улкан корхоналар бор.

Конларнинг кўп қисмида минерал хомашё арзон тушадиган очилган қазилма қазиб чиқарилади, рудаларни бойитиш технологияси ҳам содда бўлиб, руда таркибидagi барча фойдали моддаларни ажратиш олиш ва жаҳон бозорига талаб катта бўлган маҳсулот олишни таъминлайди.

Республикамиз худудиди олин захиралари мажбуллигининг асослаб берилиши ва йirik олин конларининг топиллиши Ўзбекистон геологларининг ўтган етмиш йилдаги энг катта ютуғидир. Евроосий китъасидаги Мурунтово олин кони жаҳондаги энг катта конлар сирасига киради, мутахассислар уни аср кашфиёти деб эътироф этдилар. Ҳозирги пайтда Мурунтово кони жаҳон олин қазиб чиқариш тажрибасида мисли йўқ саноат иншооти ҳисобланади.

Олин захиралари ва уни қазиб олиш ҳажми жиҳатидан жаҳонда етакчи ўринда турган олин қазиб чиқариш саноатимиз ҳозиргача аниқланган олин захираларининг сал кам 20 фоизини ажратиб олди. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятлари кўпчилигини кўрсатади. Ўзбекистон олин ресурслари

ри микдорининг фаразлари ҳам жуда юқори баҳоланмоқда, олин ресурсларини қидириш жадвал давом этмоқда.

Ўзбекистон геологлари рангли, нодир ва радиоактив металлларнинг асосли базасини барпо этдилар. Олмалик мис кони жаҳондаги йirik конлар қаторига кирди. Миснинг аниқланган захиралари жиҳатидан мамлакатимиз жаҳондаги дастлабки 10 давлат қаторига кирди. 1953 йилдан буён ишлаётган Олмалик кон-металлургия комбинати ер остидан ҳозирча руданинг атиги 17 фоизини қазиб чиқарди. Бу ердagi захиралар жуда нобилигича қолмоқда.

Олмалик рудасида мисдан ташқари анча микдорда олин, кумуш, олтингурут, селен, теллур, рений ва бошқа нодир ҳамда тарқоқ элементлар бор.

Марказий Қизилқумда Учқудуқ уран конининг очилиши уран геологияси тараққийти тарихида руда ҳосил бўлишининг янги турини асослашга имкон берди. Натижада фақат Марказий Осий минтақасида эмас, балки сайёрамиздаги куруқликнинг олиндан бир қисмини эгаллаган собиқ иттифоқ худудидagi барча уран минерал-хомашё базаси қайта ҳисоблаб чиқилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ураннинг аниқланган захиралари буйича жаҳонда еттинчи ўринда, уни қазиб чиқариш буйича тўртинчи ўринда турибди.

Мамлакатимизда амалга оширилган исоҳотларга мувофиқ равишда тармоқда ер ости бойликларини қазиб олишни жалал ривожлантириш ва геология-қилдирув ишлари ҳажмини кенгайтириш учун хорижий сармояларни жалб этиш юзасидан қизгин иш олиб боришмоқда. Сунгги тўрт йилда Туркияда, Буюк Британияда, АҚШда, Японияда мамлакатимизнинг минерал-хомашё базаси билан таништиришга доир тадбирлар ўтказилди.

Эндликда давлат қўмитаси Қўшма Штатлардаги Ньюмонт, Буюк Британиядаги Лоно, РТЗ ва Оксус, Австралиянинг Вестерн майнинг, Япониянинг Мицуи, Канаданинг Вильмс ресурслар каби кон-қазилма компанияларини билан қўшма лойиҳаларга эга. «Зарафшон -- Ньюмонт» йirik олин қазиб чиқариш корхонаси барпо этилди ва муваффақиятли ишламоқда, бошқа саккизта қўшма лойиҳа юзасидан битимлар имзоланди, яна учта лойиҳа буйича музокара олиб боришмоқда. Бу лойиҳаларнинг умумий сармои ҳажми деярли 1

миллиард 200 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мустақилликнинг беш йили давомида мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналиши бўлган геология тармоғининг аҳамияти анча ошди, бу Президентимиз Исом Каримов, республика ҳукумати биз, геологлар ишига доимий эътибор бераётгани ва гамхўрлиги натижасидир. Бу гамхўрлик зиммамизга алоҳида маъулият юқлайди, янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга ундайди.

Бу йилги геология-қидирув ишлари дастурида энг муҳим фойдали қазилмалар, аввало стратегик аҳамиятга эга бўлган олин, уран, мис, нефть ва газ захираларини ошириш, фойдаланишга тайёрланган конлар сонини кўпайтириш юзасидан давлат буюртмаларини биринчи навбатда бажариш кўзда тутилган.

Атроф муҳитни соғломлаштириш, айрим табиий ва антропоген жараёнларнинг салбий таъсирини қаматириш мақсадида Ўзбекистон худудига геологик таъқиқотлар давом эттирилди. Ўз соҳамизда иқтисодий исоҳотларни янада чуқурлаштириб, геология хизматларини бошқариш тузилмаларини такомиллаштириб, тармоқ ҳодимларининг ижтимоий-иқтисодий шароитини муттасил яхшилашга эришишмоқчимиз.

Имкониятдан фойдаланиб, тармоқ меҳнатқилларини Ўзбекистон геология хизматининг 70 йиллиги билан чин қамбанд табриқлайман, уларга ва оила аъзоларига бахт-саолат, фаровонлик, ер ости хазиналарини қидирувчиларнинг ватанимиз иқтисодий муносиб қилинини муҳтақамлаш йўлидаги меҳнатларида янги-янги муваффақиятлар тилайман. (ЎЗА).

миллиард 200 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Мустақилликнинг беш йили давомида мамлакат иқтисодиётининг устувор йўналиши бўлган геология тармоғининг аҳамияти анча ошди, бу Президентимиз Исом Каримов, республика ҳукумати биз, геологлар ишига доимий эътибор бераётгани ва гамхўрлиги натижасидир. Бу гамхўрлик зиммамизга алоҳида маъулият юқлайди, янада яхшироқ, самаралироқ ишлашга ундайди.

Бу йилги геология-қидирув ишлари дастурида энг муҳим фойдали қазилмалар, аввало стратегик аҳамиятга эга бўлган олин, уран, мис, нефть ва газ захираларини ошириш, фойдаланишга тайёрланган конлар сонини кўпайтириш юзасидан давлат буюртмаларини биринчи навбатда бажариш кўзда тутилган.

Атроф муҳитни соғломлаштириш, айрим табиий ва антропоген жараёнларнинг салбий таъсирини қаматириш мақсадида Ўзбекистон худудига геологик таъқиқотлар давом эттирилди. Ўз соҳамизда иқтисодий исоҳотларни янада чуқурлаштириб, геология хизматларини бошқариш тузилмаларини такомиллаштириб, тармоқ ҳодимларининг ижтимоий-иқтисодий шароитини муттасил яхшилашга эришишмоқчимиз.

Имкониятдан фойдаланиб, тармоқ меҳнатқилларини Ўзбекистон геология хизматининг 70 йиллиги билан чин қамбанд табриқлайман, уларга ва оила аъзоларига бахт-саолат, фаровонлик, ер ости хазиналарини қидирувчиларнинг ватанимиз иқтисодий муносиб қилинини муҳтақамлаш йўлидаги меҳнатларида янги-янги муваффақиятлар тилайман. (ЎЗА).

СТИПЕНДИЯЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий уюшмасида республикамизнинг бир қанча иқтидорли талаба ва ёш олимларига Япония парламенти қўшидаги «Япония--Ўзбекистон» дўстлик лигаси жамғармасининг махус стипендияларини топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Электроника институти, Тошкент давлат техника университети, Ҳамза номлидаги санъатшунослик илмий-таъқиқот институтининг 20 нафар илмий ходими ва талабаси мазкур стипендияга муассар бўлди. Стипендияни Япониянинг республика-камиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коичи Обата топширди. (ЎЗА).



Яккабоғ туманидаги А. Навоий номи марказий кутубхона 26 минг 243 дона китоб фондига эга. Китобхоналар сони ҳам кундан кунга ортиб бораёпти. Суратда: Кутубхоначи М. Эштемурова ва услубиятчи Ш. Нодиртоевалар иш устида. Э. Кулмуродов олган сурат.

Спорт Спорт Спорт

Айни кунда аксарият жамоаларимиз Ўзбекистон олтинчи миллий чемпионатида тайёргарликни бошлаб юборишди. Йўқ, биз ушбу мақолада навбатдаги мавсумга тайёргарликнинг қандай бораётгани хусусида эмас, балки жамоаларимизнинг номланиши ҳақида фикр юритмоқчимиз. Чунки бу борада ҳам давлат тили ҳақидаги қонуннинг бажарилишига етарлича эътибор берилмапти.

Ўтган йили футболимиз профессионал фаолият тизимига ўтиши муносабати билан олий лигада 16та, биринчи лигада 27та жамоа профессионал клуб сифатида қайта ташкил этилди ва уларнинг низоми ҳуқуқий қайта тасдиқланди.

Ана шу жараёнда мутасаддилар эътиборидан жамоаларимизни ўзбекча қайта номлаш масаласи четда қолиб кетди. Жамоалар аввал қандай номланган бўлса, шундайлигича қайта руйқатлан ўлди. Натижада кўпгина жамоаларимизнинг номи бир-бирига ўхшашлигича қолди. Айрисларнинг номи ҳеч нарсани аниқлатмас, баъзилари ҳамон русча атама билан юритилмоқда.

Вилоят биринчиликларида юртимизга алоқалор бўлмаган, мамлакатимиз нуфузига мос тушмайдиган янги номдаги жамоалар пайдо бўлмоқда.

Агар хориж футбол клубларининг номланишига эътибор берсак, жамоанинг номиданок у қайси мамлакатга таалуқли эканлигини аниқлаш мумкин. Масалан: «Кельн», «Гамбург», «Штутгарт», «Мюнхен», «Барселона», «Милан», «Наполи», «Марсель», «Ливерпуль»... ва ҳоказо. Чунки бу клублар ўзлари фаолият кўрсатаётган шаҳарнинг

номи билан юритилади. Айниқса, Германия, Италия ва Испанияда ҳамда Латин Америкасида спорт клубларининг номланишида шу хусусиятни кўп учратиш мумкин. Албатта, биз бу билан мамлакатимиз жамоаларини фақат шаҳарлар номи билан юритиш лозим деган фикрни олпа сурмоқчи эмасмиз. Биз спорт клубларини номи соф миллий атама билан жаранглаши тарафдоримиз. Токи, эрта-индин жамоаларимиз халқаро майдонга чиққанда нафақат юртимизни ташвиқот қилсин, балки хорижийлар ҳам майдонда Ўзбекистон жамоаси ҳаракат қилаётганини дарҳол аниқ билишсин. Айрим футбол жамоаларимизнинг номланишига ўзингиз бир эътибор қилинг: «Прогресс», «Металлург», «Динамо», «МХСК», «АСК»... Бундай атамалар-


ЖАМОАЛАРИМИЗ НОМИ ЎЗБЕКЧА БЎЛСИН

нми бошқа спорт турлари буйича жамоаларимизнинг номланишида ҳам учратиш мумкин, улар туб моҳияти билан собиқ СССРни эслатади. Уша собиқ иттифоқ чемпионатларида жамоалар ўзига ҳомилий қилаётган ташкилот ёки корхона номи билан юритилиши «мода» эди. Ана шу «мода» «ўзбекчалаштирилган» услубда бизда ҳамон давом эттириляпти. Масалан, «Темпирўлчи», «Кимёгар», «Нефтичи», «Атласчи», «Тўқимачи», «Гиллачи» ва ҳатто «Тегирмончи». Жамоа номи ортдан кўр-кўрона «чи» қўшимчасини қўлиши шу даражага етдики, ҳатто дастлабки чемпионатларда шаҳар, туман номи билан юритилган жамоалар ҳам

бундан бебаҳра қолмай, «Косонсойчи», «Богдоличи», «Шаҳрихончи» номи жамоалар пайдо бўлди. Бизда собиқ СССРдан «мерос» бўлиб қолган яна бир тоғира атамалар мавжуд. У ҳам бўлса, ҳарбий спорт клубларини айнан АСК (СКА), МХСК (ДСКА), милиция жамоаларини «Динамо», темирйўл жамоаларини «Темпирўлчи» («Локомотив») ёки шу каби «Трактор», «Металлург» дея номлаш шартми? Ҳарбий жамоаларни бизнингча «Юлдуз», «Машал», «Бўрон» ёки тамоман бошқа бир ўзбекча атамада, миллийликдан келиб чиққан ҳолда номлаш керак.

Расул ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА



Москвада Европа теннис ассоциацияси тақвимида урин олган ўсмир теннисчилар ўртасидаги «Рибко» фирмаси кубоги учун аънавий халқаро турнир бу йил иккинчи марта ўтказилди. Унда Грузия, Руминия, Югославия, Москва ва Санкт-Петербург вакиллари қатори бизнинг ёш теннисчилар ҳам қатнашишди. Гарчи умидли ёшларимиз халқаро турнирнинг 1/4 финалигача етиб бормаган бўлишса-да, уларнинг бундай йirik турнирда иштирок этиши ва Европа теннис ассоциациясининг рейтинг очколарига эга бўлишининг ўзи катта аҳамиятга эгадир. Ўсмир теннисчиларимиз дастлабки рейтинг очколарига эга бўлиши эса ўз навбатида уларнинг катта теннис оламига кириб бориши учун имкон эшигини очди. Қолаверса, ёшларимиз маҳоратларини халқаро майдон тажрибаси билан бойитиши ҳам юртимиз теннисини ривож учун хизмат қилади.

Турнирда москвалик Филип Мухамедов, оренбурглик Димитрий Ситак, грузиялик Отари Енукидзе ва югославиялик Дарко Моджаревскийлар юқори натижаларга эришишди.

МУСОБАҚА МАНЗИЛИ ЎЗГАРДИ

Мини-футбол буйича Ўзбекистон 1-чемпионатининг иккинчи босқич бахслари Хива шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган ҳақида хабар берган эдик. 19-28 январь кунларида мўлжалланган 2-босқич бахслари Хивада эмас, балки Самарқандда ўтказилган бўлди. Хиваликлар эса Ўзбекистон 1-чемпионатининг учинчи босқич ўйинларини апрель ойида қабул қилишга тайёргарлик кўришапти.

Р. ЭРМУХАММАД, «Халқ сўзи» мухбири.

«НУРОНИЙ» ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқарув кенгашининг йилги йиғилиши бўлди. Унда «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси турнир-сиддаги Президент фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг мазкур жамғарма фаолиятига қўмақлаштириш чора-тадбирлари ҳақидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Бошқарув кенгаши раиси Б. Раҳимов шу хусусда маъруза қилди.

Маърузачи ва муҳокамада сўзга чиққанлар ушбу ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканини, уларни бажариш борасида ҳозирдаёқ муайян ишлар амалга оширилганини таъкидладилар. «Нуроний» жамғармаси мамлакатимизда ўтказилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга қўмақлаштириш, уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан ёшларга истиқбол

гояларига салоқат, юксак ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик туйғуларини тарбиялашда фойдаланишни ўз фаолиятининг асосий йўналиши деб билмоқда. Йилги йиғилишда жамғарма уставида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқариш, ҳўжалик, тадбиркорлик, таъқиқотий фаолият билан шуғулланиш ишларини амалга оширишга тезроқ киришиш зарурлиги эътибор қаратилди, бу борада тадбирлар белгиланди. (ЎЗА).

Ўзбекистон телерадиокомпанияси республика радиосининг жамоаси «Тошкент» бош муҳарририятининг шарҳловчиси Н. Ҳамроева отаси

Мурот СУВОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Племэлит» ИИБ Ўзбекистон Чорвачилик илмий таъқиқот институти жамоаси институтнинг шўба мудир, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, профессор Комил ХАБИБУЛЛИНнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



МИНСК АВТОМОБИЛ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ВАКИЛИ
«ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС» Қ.К.
● МАЗ туркумидаги автомобилларни /бортли, самосвал, шатакчи/, шунингдек, уларнинг тиркама ва ярим тиркамаларини сотувга чиқаради.
● ЯМЗ-236 ва ЯМЗ-238 двигателлари сотилади.
● Эҳтиёт қисмлардан танлаб олиш мумкин.
● Шунингдек, орқа кўприклар, редукторлар, генераторлар ва МАЗ туркумидаги автомобиллар учун бошқа кўплаб қисмлар сотилади.
● «ЎЗБЕКМАЗСЕРВИС» Қ.К. исталган модификациядаги МАЗ автомобилларини, эҳтиёт қисм ва агрегатларни республикага етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади.
ҲАҚИ СЎМДА ПУЛ ЎТҚАЗИШ ВА ВЕКСЕЛДА ТўЛАНАДИ.
● 9,2 кг.ли тунука идишлардаги томат пастаси, қурилиш бўри зудлик билан сотилади.
Манзил: Тошкент ш., 8 Март кўчаси, 57. Тел: 91-68-94. Факс: 91-64-06.

АПКОСУЛ
гепатитдан ва сурункали ичкиликбозликдан жигар хасталигиндан сақлайдиган восита

Шаҳар дорихоналаридан сўранг
ер /аджанта фарма лимитед

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: А. УСМОНОВ.
БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94;
Иқтисодий 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Туризм муҳарририят 33-10-28;
Эътибор 36-09-25, Вестерп 33-10-60

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Набатчи — О. Турақулов.
Мусахҳат — Ш. Режанов.